

**МИКРОБИОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019. В.38.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

МИКРОБИОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ЮСУПОВ УЛУҒБЕК КАРИМ ЎҒЛИ

**ЎЗБЕКИСТОННИНГ БАЪЗИ ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАРИ ЭНДОФИТ
ЗАМБУРУҒЛАРИНИНГ АНТИБАКТЕРИАЛ ХУСУСИЯТЛАРИ**

03.00.04 – Микробиология ва вирусология

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

| | |
|---|----|
| Юсупов Улуғбек Карим ўғли Ўзбекистоннинг баъзи доривор ўсимликлари эндофит замбуруғларининг антибактериал хусусиятлари | 3 |
| Юсупов Улуғбек Карим ўғли Антибактериальные свойства эндофитных грибов некоторых лекарственных растений Узбекистана..... | 23 |
| Yusupov Ulugbek Karim o'g'li Antibacterial properties of endophytic fungi of some medicinal plants of Uzbekistan..... | 41 |
| Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works | 44 |

**МИКРОБИОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019. В.38.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

МИКРОБИОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ЮСУПОВ УЛУҒБЕК КАРИМ ЎҒЛИ

**ЎЗБЕКИСТОННИНГ БАЪЗИ ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАРИ ЭНДОФИТ
ЗАМБУРУҒЛАРИНИНГ АНТИБАКТЕРИАЛ ХУСУСИЯТЛАРИ**

03.00.04 – Микробиология ва вирусология

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси В2022.1.PhD/В656 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Микробиология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (info-microbio@academy.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали (www.ziynet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Абдульмянова Лилия Ильясовна
биология фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Ташмухамедова Шохиста Собировна
биология фанлари доктори, профессор

Пулатова Озода Мансуровна
биология фанлари номзоди

Етакчи ташкилот:

Ботаника институти

Диссертация ҳимояси Микробиология институти DSc.02/30.12.2019.В.38.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «26» июль соат 10:00даги мажлисида бўлади (Манзил: 100128, Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани, А.Қодирий кўчаси, 7Б уй, Микробиология институти конференция залида). Тел.: (+99871) 241-92-28, (+99871) 241-71-98, факс: (+99871) 241-92-71, e-mail: info-microbio@academy.uz.

Диссертация билан Микробиология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. () рақамли билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100128, Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани, А.Қодирий кўчаси, 7Б уй, Микробиология институти маъмурий биноси, 5-қават, кутубхона). Тел.: (+99871)241-92-28.

Диссертация автореферати 2022 йил «8» июлда тарқатилди.

(2022 йил «8» июль № 7 рақамли реестр баённомаси)



Арипов Тахир Фатихович

Арипов Тахир Фатихович
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
б.ф.д., профессор, академик

Жураева Рохила Назаровна

Жураева Рохила Назаровна
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, б.ф.н., катта илмий ходим

Гулямова Тошхон Гофуровна

Гулямова Тошхон Гофуровна
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда инсонлар томонидан антибиотик препаратларининг нотўғри ва ноўрин фойдаланиши сабабли касаллик кўзгатувчи микроорганизмларнинг барқарорлик хусусиятининг ривожланишига олиб келмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан инсоният учун хавфли бўлган ва янги антибиотиклар топилиши лозим бўлган 12 та антибиотикка барқарор патоген бактериялар рўйхати келтирилади. Улар орасида *Acinetobacter*, *Staphylococcus*, *Pseudomonas* ва *Enterobacteriaceae* оиласининг айрим вакиллари бўлиб, улар қон оқими инфекциялари, пневмония каби оғир ва кўп ҳолларда ўлимга олиб келувчи инфекцион касалликлари кўзгатади. Рўйхатда қайд этилган бактериялар амалиётда кенг қўлланилаётган карбапенемлар, учинчи авлод цефалоспоринлари ва бошқа бир қатор антибиотикларга нисбатан сезувчанлигини йўқотган. Шунингдек, амалиётда қўлланилаётган кўплаб антибиотик препаратлари, хусусан, хлорамфеникол (левомицетин), фторхиноллар (ципрофлоксацин, левофлоксацин) кимёвий синтез йўли билан олинади, ушбу препаратлар кўп ҳолларда одам организми учун ножўя таъсирга эга бўлиши ёки аллергия реакциялар чақириши мумкин ва бу ўз навбатида инфекцион касалликларни даволашни қийинлаштиради. Шу сабабли, табиий манбалардан профилактик ва терапевтик мақсадларда антибиотик препаратлар олиш ва амалиётга жорий этиш муҳим аҳамиятга эга.

Жаҳонда антибактериал хусусиятга эга доривор ўсимликлардан фармацевтика саноатида микробларга қарши препаратлар ишлаб чиқариш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Жумладан, доривор ўсимликлардан биофаол бирикмалар ишлаб чиқариш потенциалига эга бўлган эндофитларни ажратиб олиш, эндофитларнинг гликозилланган флавоноидларнинг ўзига хос биотрансформациясини аниқлаш, баъзи эндофитлар юқори антимиқроб потенциалга эга бўлган циклик пептидларни рибосомага боғлиқ бўлмаган ҳолатда пептид синтези орқали синтез қилиши аниқланган. Шу сабабли, доривор ўсимликлар билан симбиоз ҳолатда яшовчи эндофит замбуруғлар асосида даволаш хусусиятига эга бўлган янги антибиотик дори воситаларини яратиш илмий амалий аҳамиятга эга.

Республикамизда барқарор антибактериал хусусиятга эга биологик фаол моддаларни синтез қилувчи эндофит замбуруғларининг маҳаллий штаммларини ажратиб олиш ва амалиётга жорий қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада, фаол эндофит замбуруғларни танлаш ва антибактериал метаболитлар ҳосил қилиш хусусиятларини аниқлаш бўйича муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг тўртинчи устивор йўналишида¹ “...фармацевтика саноатини янада ривожлантириш, аҳоли ва тиббиёт муассасаларининг арзон, сифатли дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминланишини яхшилаш, дори-дармонлар нархларининг

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7-февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги Фармони.

асоссиз ўсишига йўл қўймаслик бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш, аҳоли ўртасида касалланиш кўрсаткичлари пасайишини ва умр узайишини таъминлаш” вазифалари белгилаб берилган. Мазкур вазифаларни амалга оширишда айрим доривор ўсимликларининг эндофит замбуруғлари томонидан ишлаб чиқариладиган антибактериал хусусиятга эга бирикмаларнинг кимёвий таркиби ва табиатини аниқлаш, тоза ҳолдаги антибактериал дори препаратларини олиш усулларини ишлаб чиқиш ва ушбу замбуруғлардан муқобил, табиий манбаалар сифатида фойдаланиш бўйича тадқиқотларни тадқиқотларни олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, Президентнинг 2019 йил 10 апрелдаги ПФ-5707-сон «2019—2021 йилларда республиканинг фармацевтика тармоғини янада жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 декабрдаги ПҚ-4554-сон “Ўзбекистон республикаси фармацевтика тармоғида ислохотларни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. “Тиббиёт ва фармацевтика” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Антибактериал хусусиятларга эга эндофит замбуруғларни ўрганиш билан боғлиқ соҳаларда олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида, бир қатор муҳим натижаларга эришилган, хусусан, *Nelumbo nucifera* ўсимлигидан ажратилган *Aspergillus ceipii* нинг *MRSA* га қарши антибактериал таъсири (Сурачаи Т. ва бошқ., 2020), *Colletotrichum globosum*, *Fusarium sp.3* эндофит замбуруғининг юқори антибактериал фаоллиги ва алкалоид табиатли моддаларга эгаллиги (Вен Д. ва бошқ., 2020), *Nigrospora sphaerica* нинг патоген *Staphylococcus aureus* га қарши 1.56 мг/мл минимал ингибирлаш концентрациясини намоён қилиши (Празерес И. ва бошқ., 2015), *Fusarium oxysporum* GG 008 нинг *Enterococcus faecalis* ATCC C1299 га қарши антибактериал фаоллиги таркибидаги 5-гидрохуметилфурфурал (НМФ) моддаси билан боғлиқлиги (Манганйи М. ва бошқ., 2019), *Colletotrichum globosum* нинг хлороформли экстрактининг турли патогенларга қарши антибактериал таъсири 2 соатдан 20 соатгача давом этганлиги ва микроорганизмлар ҳосил қилган биоқатламга парчаловчи таъсири 50-55% бўлганлиги (Каур Н. ва бошқ., 2020), *Xylaria sp.* ва *Diaporthe endophytica* эндофит замбуруғларининг антибактериал фаоллиги (Чарриа-Гирон э. ва бошқ., 2021). Умуман олганда, мавжуд маълумотлар эндофит замбуруғларни антимикроб табиатига эга фаол бирикмаларининг юқори потенциалга эга ишончли янги манбалари сифатида кўрсатади.

Мамлакатимиз олимлари томонидан хусусан, ЎзР ФА Микробиология институти “Физиологик фаол бирикмалар биокимёси ва биотехнологияси” лабораторияси илмий ходимлари томонидан Ўзбекистон ҳудудида ўсувчи доривор ўсимликлар эндофит замбуруғларининг антибактериал хусусиятларини ўрганиш бўйича илмий тадқиқотлар ўтказилган. Эндофит замбуруғ изолятларини скрининг қилиш натижасида, доривор ўсимлик *Melissa officinalis* дан *Staphylococcus aureus*, *Escherichia coli*, *Pseudomonas aeruginosa*, *Bacillus subtilis*, *Aspergillus niger* ва *Verticillium dahlia* га қарши юқори антимиқроб фаолликка эга *Thielavia microspora* - MO46L эндофит замбуруғ штамми ажратиб олинган.

Мамлакатимизда доривор ўсимликлар ва сувўтлари асосида яратилган яллиғланишга қарши, иммунитетни оширувчи биологик фаол қўшимча (БФҚ) (“Ламифарен”, “Спирулина”) препаратлари ишлаб чиқарилади ёки четдан олиб келинади. Бироқ шуни таъкидлаш жоизки, Республикаимизда эндофит замбуруғлар асосида тайёрланган кенг қўламли ёки специфик таъсирга эга антибиотик препаратлари ва биологик фаол қўшимча (БФҚ)лар ишлаб чиқарилмайди. Юртимизда замбуруғлар асосида самарали антибактериал таъсирга эга дори воситалари ишлаб чиқарилмаганлиги ва антибактериал препаратларга бўлган талаб ўсиб бораётганлиги сабабли, антибактериал хусусиятга эга бирикмалар синтез қилувчи эндофит замбуруғларнинг юқори фаолликка эга маҳаллий штамmlарини ўрганиш ва амалиётга жорий этиш муҳим илмий ва амалий аҳамият касб этади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Микробиология институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ФА-Ф5-Т218 “Ўзбекистон доривор ўсимликларининг эндофит микробиотаси” (2012-2016 йй.), ВА-ФА-А6-005 “Ўзбекистон баъзи доривор ўсимликлардаги эндофит замбуруғларни сунъий ўстиришда биофаол иккиламчи метаболитлари ҳосил қилиши шароитларини ишлаб чиқиш” (2017–2018 йй.) мавзуларидаги фундаментал ва амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади барқарор антибактериал хусусиятга эга биологик фаол моддалар синтез қилувчи эндофит замбуруғларни ажратиб олиш ҳамда антибактериал метаболитлар ҳосил қилиш хусусиятларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

доривор ўсимликлардан эндофит замбуруғ изолятларини ажратиб олиш, антагонистик ва антибактериал хусусиятига кўра скрининг қилиш, фаол штамmlарни идентификация қилиш;

энг фаол эндофит замбуруғ штамmlарини ўстиришнинг оптимал шароитларини аниқлаш;

фаол штамmlарининг иккиламчи метаболитларининг минимал ингибирлаш концентрацияларини ва патоген микроорганизмлар ҳосил қилган биоқатламга таъсирини таҳлил қилиш;

фаол штаммларини иккиламчи метаболитлари таркибини фитокимёвий реакциялар орқали аниқлаш;

дифференциал фракциялаш ва хроматографик усуллар ёрдамида энг юқори антибактериал фаолликка эга замбуруғ метаболитларини ажратиш.

Тадқиқотнинг объекти антибактериал хусусиятга эга доривор ўсимликлар, ушбу ўсимликлардан ажратиб олинган эндофит замбуруғлари, шартли-патоген микроорганизмлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети ажратиб олинган эндофит замбуруғларни антибактериал фаолликка эга фаол иккиламчи метаболитларни тозалаш, молекуляр массаси ва структурасини аниқлаш.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотни ўтказишда умумий қабул қилинган микробиологик, аналитик кимё, биотехнология, молекуляр биология ва хроматографиянинг классик ва замонавий усулларида фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон ҳудудида ўсувчи айрим доривор ўсимликлар ҳамда уларда яшовчи эндофит замбуруғларининг антибактериал хусусиятлари ўртасидаги алоқадорлик аниқланган.

илк бор Ўзбекистон ҳудудида ўсувчи *Peganum harmala* доривор ўсимлигидан *Penicillium* авлодига мансуб юқори антибактериал фаолликка эга моддалар синтезловчи *Penicillium roqueforti* 12Ph эндофит замбуруғ штамми ажратиб олинди ва идентификация қилинган;

илк бор Ўзбекистон ҳудудида ўсувчи айрим доривор ўсимликларнинг эндофит замбуруғлари иккиламчи метаболитлари таркибида антибактериал хусусиятга эга гексадекан кислотасининг метил эфири; н-гексадекан кислота; 9,12-октадекадиен кислота (3,3) ва карбендазим каби моддалар асосланган;

эндофит замбуруғ *Penicillium roqueforti* 12Ph штаммидан ажратиб олинган иккиламчи метаболитларининг патоген микроорганизмлар, жумладан, метициллинга чидамли *Staphylococcus aureus* нинг биоқатлам ҳосил қилишига юқори ингибирловчи ҳамда ҳосил бўлган биоқатламга парчаловчи таъсирлари асосланган;

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Penicillium roqueforti 12Ph штаммининг умумий экстракти турли антибактериал фаол моддаларга бойлиги ва шартли-патоген микроорганизмларга қарши юқори антибактериал, патоген микроорганизмлар биоқатлам ҳосил қилишига қарши ҳамда ҳосил бўлган биоқатламга юқори ингибирловчи фаолликларига эгаллиги аниқланган.

Аксеник шароитда антибактериал ва антибиоқатлам фаолликка эга бирикмаларнинг продуценти эндофит замбуруғ *Penicillium roqueforti* 12Ph ни етиштириш бўйича лаборатория регламенти ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги экспериментал маълумотларни замонавий микробиологик ва биотехнологик усуллар ёрдамида олинганлиги, диссертация натижаларининг етакчи хорижий журналларда чоп этилганлиги, олинган натижаларнинг Студент мезонлари ва Фишер дисперсион таҳлили (ANOVA) ёрдамида статистик қайта ишланганлиги, шунингдек, ваколатли давлат тузилмалари томонидан

диссертация тадқиқотининг амалий натижаларини ижобий баҳоланганлиги ва фойдали моделга патент олинганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти *Peganum harmala* ўсимлигидан ажратиб олинган *Penicillium roqueforti* 12Ph штамми экстрактнинг антибактериал ва микроорганизмлар биоқатлам ҳосил қилишига юқори ингибирловчи ҳамда ҳосил бўлган биоқатламга парчаловчи фаолликлари таркибидаги гексадекан кислотанинг метил эфири, н-гексадекан кислота, 9,12-октадекадиен кислота (3,3) ва Карбендазим каби моддаларга боғлиқ эканлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти танланган маҳаллий штаммлари антибактериал метаболитлар ҳосил қилиш хусусиятларига кўра патоген бактерияларга қарши препаратлар ишлаб чиқиш учун объект бўлиши мумкин ҳамда маҳаллий фармацевтик ишлаб чиқариш имкониятларини ошишига хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилинганлиги. Ўзбекистон доривор ўсимликлари эндофит замбуруғларининг антибактериал бирикмалар ҳосил қилиш хусусиятларини ўрганиш илмий тадқиқот натижалари асосида:

Микробларга қарши фаолликка эга бўлган *Thielavia microspora touchacca*- MO46L эндофит замбуруғи штамми учун Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги томонидан фойдали модел патенти (№ FAR 01513, 2020 й) олинган. Натижада *Melissa officinalis*дан ажратиб олинган *Thielavia microspora touchacca*- MO46L штамми Ўзбекистон худудида ўсувчи доривор ўсимликлар эндофит замбуруғларининг антибактериал хусусиятларини аниқлаш имконини берган;

Melissa officinalis (доривор мелисса) баргидан ажратиб олинган *Thielavia microspora touchacca*-MO46L эндофит замбуруғи иккиламчи метаболитларининг қуруқ экстрактдан ВА-ФА-А6-005 рақамли “Ўзбекистон баъзи доривор ўсимликлардаги эндофит замбуруғларни сунъий ўстиришда биофаол иккиламчи метаболитлари ҳосил қилиши шароитларини ишлаб чиқиш” амалий лойиҳасида шартли патоген микроорганизмлар қарши антибактериал фаоллигини аниқлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2022 йил 2 феврал №4/1255-234-сон маълумотномаси). Натижада, антибактериал моддаларнинг продуценти *Thielavia microspora* -MO46L доривор ўсимликлар эндофит замбуруғларини аксеник шароитида култивация қилиш учун тавсиялар ишлаб чиқиш имконини берган;

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 15 та илмий иш чоп этилган, шулардан 6 таси илмий мақола бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда, жумладан, 2 таси республика нашрларида, 1 таси хорижий журналда нашр этилган, 1 та фойдали моделга патент олинган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 114 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ишнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва асосий вазифалари тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожлантириш устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, чоп этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Эндофит замбуруғлар, уларнинг биофаол иккиламчи метаболитлари ҳамда патоген микроорганизмларнинг антибиотикларга нисбатан чидамлилигининг ошиши”** деб номланган биринчи бобида антибиотикларнинг қўлланилиши ва антибиотикка чидамлилигининг келиб чиқиши, доривор ўсимликлар ва уларнинг эндофитлари билан ўзаро муносабатлари, эндофит замбуруғларининг биофаол метаболитлари, эндофит замбуруғларнинг антибактериал моддаларлари, эндофитларнинг биотехнологик имкониятларини ўрганиш бўйича замонавий изланишларнинг шарҳи келтирилган. Чоп этилган кўплаб мақолалардаги натижаларнинг критик таҳлили мазкур ишнинг асосий мақсади ва вазифаларини шаклланишига имкон берди.

Диссертациянинг **“Доривор ўсимликлар эндофит замбуруғларининг антибактериал хусусиятларини аниқлаш ва улардан биофаол иккиламчи метаболитлар ажратиб олиш усуллари”** деб номланган иккинчи бобида объект, шунингдек материал ва тадқиқот услублари кенг тавсифланган. Тадқиқот услубларида доривор ўсимликлардан эндофит замбуруғларни ажратиб олиш усуллари, уларни антибактериал фаолликларига кўра скрининг қилиш усуллари, энг фаол эндофит замбуруғларни классик ҳамда молекуляр-генетик идентификация қилиш усуллари, энг фаол эндофит замбуруғ *Penicillium roqueforti* 12Ph штаммининг ўстириш шароитларини антибактериал фаолликка эга бирикмалар синтез қилишига кўра оптималлаштириш усуллари, антибактериал фаолликка эга бирикмаларни экстракция қилиш усуллари, умумий экстрактнинг минимал ингибирлаш концентрацияси (МИК) ва патоген микроорганизмлар ҳосил қилган биоқатламга таъсири (антибиоқатлам) фаолликларини аниқлаш усуллари, умумий экстракт ҳамда фракциялардаги антибактериал хусусиятли бирикмаларнинг сифат реакциялари, ЮҚХси ҳамда бу усулда олинган субфракцияларнинг масс-спектрал таҳлил усулларида фойдаланилган.

Диссертациянинг **“Доривор ўсимликлар эндофит замбуруғларининг антибактериал хусусиятга эга биофаол иккиламчи метаболитлар ҳосил қилиш хусусиятларини ўрганиш”** номли учинчи бобида антибактериал хусусиятли доривор ўсимликлардан эндофит замбуруғ изолятларини ажратиб

олиш, олинган изолятларни антибактериал фаолликларига кўра скрининг қилиш, энг фаол изолятларни классик ҳамда молекуляр-генетик усулларда идентификация қилиш, энг фаол эндофит замбуруғлар антибактериал фаолликка эга иккиламчи метаболитларни ҳосил қилиши учун ўстириш шароитларини оптималлаштириш, антибактериал фаолликка эга иккиламчи метаболитлар умумий экстрактининг минимал ингибирлаш коцентрацияси ҳамда антибиоқатлам фаолликлари, олинган иккиламчи метаболитларни кутбилиги турли хил бўлган эритувчилар ёрдамида дифференциал фракциялаш, юқори антибактериал фаолликка эга бўлган фракцияларни сифат тахлили, хроматографик усуллар ва масс-спектрометрия тахлиллари ёрдамида идентификациялаш бўйича тадқиқот натижалари келтирилган.

Мамлакатимиз худудида ўсувчи доривор хусусиятга эга бўлган оддий исирик (*Peganum harmala*), доривор тирноқгул (*Calendula officinalis*), оддий хрен (*Armoracia rusticana*), доривор мойчечак, (*Matricaria chamomilla*), тароқли гултожихўроз (*Celosia cristata*), оддий откулоқ (*Rumex acetosa*), катта қариқиз (*Arctium lappa*) ўсимликларни антибактериал хусусиятларини ўрганишдан бошланди.

1-жадвал

Эндофит замбуруғларнинг шартли-патоген микроорганизмларга нисбатан антагонистик таъсири

| | Изолятлар | Грам «-» бактериялар | | Грам «+» бактериялар | | |
|------------|-------------|----------------------|---------------------|----------------------|-------------------|-------------------|
| | | <i>E.coli</i> | <i>P.aeruginosa</i> | <i>S.aureus</i> | <i>B.subtilis</i> | <i>C.albicans</i> |
| 1 | 1Co - | - | - | 25±0.25 | - | - |
| 3 | 4Co - | - | 20±0.31 | 20±0.30 | 20±0.32 | - |
| 4 | 15Mc - | - | - | 20±0.28 | 22±0.31 | 17±0.18 |
| 5 | 19Mc - | - | - | 18±0.24 | - | - |
| 6 | 1 Ph - | - | - | 15±0.28 | 17±0.23 | - |
| 7 | 3 Ph - | - | - | - | 17±0.21 | 17±0.12 |
| 8 | 4 Ph - | - | - | - | 17±0.22 | 17±0.22 |
| 9 | 11 Ph - | - | - | - | - | 14±0.18 |
| 10 | 12 Ph - | - | - | - | 17±0.21 | 26±0.29 |
| Назоратлар | | | | | | |
| Ц | Цефтриаксон | 30±0.33 | 28±0.32 | 30±0.35 | 30±0.34 | - |

Бунда энг фаол ўсимликлар сифатида *P.harmala*, *C.officinalis*, *A.rusticana*, *M.chamomilla*, *C.cristata* лар олинди ва улардан эндофит замбуруғ изолятлари ажратиб олинди. Умумий ҳисобда 5 та доривор ўсимликдан 41 та эндофит замбуруғ изоляти ажратиб олинди. Ажратиб олинган 41 та изолятдан 10 тасида шартли-патоген микроорганизмлардан биттасига ёки бир нечтасига қарши антагонистик фаоллик кузатилган (1-жадвалга қаранг).

Энг юқори фаоллик кўрсатган изолятлар 1Co, 4Co, 15Mc, 19Mc ва 12 Ph ларни танлаб олинди. Ушбу изолятларнинг биомассалари ҳамда културал суюқликларидан иккиламчи метаболитлари экстракция усули билан ажратиб олинди ва агарда диффузияланиш усулида антибактериал фаолликлари ўрганилди (2-жадвалга қаранг).

**Эндофит замбуруғлар биомассадаги ва културал суюқликларидаги
иккиламчи метаболитларининг шартли-патоген микроорганизмларга
қарши антибактериал таъсири**


| Белг илан иши | Изолятлар | Ингибирлаш майдони(мм) | | | | | | | | | |
|------------------------------|----------------------------|------------------------|-------------|---------------------|-------------|-----------------|-------------------------|-------------------|-------------|-------------------|-------------|
| | | Грам «-» бактериялар | | | | | Грам «+» бактериялар | | | | |
| | | <i>E.coli</i> | | <i>P.aeruginosa</i> | | <i>S.aureus</i> | | <i>B.subtilis</i> | | <i>C.albicans</i> | |
| С-стационар ўстириш | | | | | | | | | | | |
| | | Б/М | К/С | Б/М | К/С | Б/М | К/С | Б/М | К/С | Б/М | К/С |
| 1С | 1Со | - | - | - | - | 14± 0.28 | - | - | - | - | - |
| 4С | 4Со | 19±0. 22 | - | 20±0. 23 | 12±0. 22 | 20± 0.28 | 14± 0.22 | 20±0 .24 | 13±0 .19 | - | - |
| 12С | 12Ph | - | - | - | - | - | - | - | - | - | - |
| 15С | 15Mc | - | - | - | - | 13± 0.21 | - | - | - | - | - |
| 19С | 19Mc | - | - | - | - | 15± 0.22 | 13± 0.22 | - | - | - | - |
| К-тебратгичда ўстириш | | | | | | | | | | | |
| | | Б/М | К/С | Б/М | К/С | Б/М | К/С | Б/М | К/С | Б/М | К/С |
| 1К | 1Со | 30±0. 32 | - | 30±0. 31 | - | 30± 0.28 | 14± 0.22 | 28±0 .29 | - | - | - |
| 4К | 4Со | 19±0. 35 | - | 20±0. 36 | 12±0. 22 | 20± 0.24 | 13± 0.25 | 20±0 .23 | 15±0 .15 | - | - |
| 12К | 12Ph | 24±0. 22 | 13±0. 20 | 20±0. 21 | - | 30± 0.32 | 17± 0.26 | 28±0 .34 | - | 26±0. 31 | 16±0. 21 |
| 15К | 15Mc | - | - | - | - | 25± 0.31 | 13± 0.21 | 15±0 .28 | - | - | - |
| 19К | 19Mc | - | - | - | - | 15± 0.23 | 13± 0.22 | - | - | - | - |
| Назоратлар | | | | | | | | | | | |
| Ц | Цефтриаксон– 30мкг/диск | 30±0.33 | | 28±0.32 | | 30±0.35 | | 30±0.34 | | - | |

Изох: Б/М-биомасса, К/С-културал суюқликлардан олинган иккиламчи метаболитлар

Натижалардан кўриниб турибдики, биомассаларда антибактериал фаоллик културал суюқликларга қараганда юқорироқ. Бундан ташқари, тебратгичда ўстириш шароитида антибактериал метаболитлар синтезини кучайишини кузатиш мумкин. Стационар шароитда ўстирилганда антибактериал фаоллик кўрсатмаган изолятларда ҳам тебратгичда ўстирилганда антибактериал фаоллик пайдо бўлган. Стационар шароитда ўстирилганда фақатгина 4Со изолятида сезиларли антибактериал фаоллик кузатилган бўлса (19-20мм), тебратгичда ўстирилганда 4Со дан ташқари 1Со, 12Ph, 15Mc изолятларида ҳам юқори фаоллик кузатилган (19-30 мм гача). Шу билан бирга юқори антибактериал фаоллик олиш учун тебратгичда 180 айл/дақиқага ўстириш мақбул шароит эканлигини аниқланди. Шунинг таъкидлаш жоизки, 4Со изолятнинг ўстириш шароитидан қатъий назар антибактериал фаоллик намоен қилиши, унда мавжуд антибактериал хусусиятга эга моддалар синтезида кислороднинг роли камлигидан далолат беради. 1Со, 12Ph, 15Mc изолятларнинг тебратгичда ўстирилганда антибактериал фаоллик кўрсатгани аэрациянинг антибактериал хусусиятли

иккиламчи метаболитлар ҳосил бўлишида аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради. *Melissa officinalis* баргидан ажратилган *Thielavia microspora* - MO46L эндофит замбуруғи устида олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал Мулк агентлигидан фойдали моделга патент олинган, патент номери (№ FAP 01513).

Келтирилган маълумотлар асосида кейинги тадқиқотларимиз учун 1Co, 4Co, 12Ph ва 15Mc изолятларини танлаб олинди.




1-расм. Изолятларнинг макроколонияси (1000х). а) 12Ph - *P.harmala* дан, б) 15Mc - *M.chamomilla* дан, с) 4Co - *C.officinalis* дан ажратиб олинган изолятлар

Ушбу танлаб олинган изолятларнинг морфологик-культурал хусусиятларини ўрганиш натижаларига кўра, 4Co-изолятни *Aspergillus* авлодига, 12Ph-изолятни *Penicillium* авлодига ва 15Mc-изолятни *Fusarium* авлодига мансуб эканлиги аниқланди. Тажрибалар давомида 1Co изоляти сунъий ўстириш шароитларида ўсиш хусусиятини йўқотди ва шу сабабли кейинги тадқиқотларда фойдаланилмади (1-расмга қаранг).

Ушбу изолятларнинг ITS регионларини секвенирлаш усулида нуклеотидлар кетма-кетлиги аниқланди ва олинган маълумотлар NCBI халқаро маълумотлар базасида BLAST дастурида таҳлил қилиниб, унга кўра: 4Co изоляти *Aspergillus austwickii* га 98.71%, 12Ph изоляти *Penicillium roqueforti* га 99.68%, 15Mc изоляти эса *Fusarium oxysporum* га 99.55% ўхшаш эканлиги аниқланди. Бу натижалар асосида 4Co изоляти *Aspergillus austwickii* 4Co (M3269490), 12Ph изоляти *Penicillium roqueforti* 12Ph (M3424749), 15Mc изоляти эса *Fusarium oxysporum* 15Mc (M3411353) қилиб NCBI халқаро маълумотлар базасига киритилди. Ушбу базадаги маълумотларга солиштирган ҳолатда, MEGA дастурида “neighbor joining” усулида изолятларнинг филогенетик дарахти тузилди (2-расмга қаранг).

Юқорида келтирилган маълумотларга таяниб, энг юқори фаолликка эга *Penicillium roqueforti* 12Ph штаммидан кейинги тадқиқотларда фойдаланилди.


Танлаб олинган штаммни замбуруғлар учун мўлжалланган турли озуқа муҳитида ўстириб кўриш орқали энг мақбул озуқа муҳити танлаб олишни мақсад қилинди. Бунда Чапек-Докс, картошка декстрозали бульон, Манделес, Сабуро озуқа муҳитларида ушбу штаммнинг биомасса ва иккиламчи метаболитлар ҳосил қилиши ўрганилди (3-расмга қаранг).



Тажрибада биомасса тўпланиши бўйича энг максимал миқдор Сабуро озуқа муҳитида (3.3 ± 0.16 г) кузатилган, иккинчи ва учинчи ўринларда Чапек-Докс (3.2 ± 0.15 г) ва картошка декстрозали бульон (2.9 ± 0.14 г) озуқа муҳитларида бўлган. Биомассалардан олинган умумий экстрактлар миқдори бўйича энг кўп экстракт Чапек-Доксда (80мг/г) кузатилган. Иккинчи ўринда эса Сабуро озуқа муҳитига (55мг/г) олинган.

Олинган умумий экстрактларни ДМСОда эритиб, ҳар бир экстрактдан 3мг/мл ли эритмалар тайёрланди ва шартли патогенларга қарши антибактериал фаоллиги кузатилди (4-расмга қаранг).

Натижалар шуни кўрсатдики, Чапек-Докс озуқа муҳитида ўстириб олинган экстракт энг юқори антибактериал фаолликка эга.



3-расм. *P.roqueforti* 12Ph нинг турли озуқа муҳитларида (а) биомасса ва метаболитлар ҳосил қилиши ва (б) антибактериал фаоллиги




4-расм. *P.roqueforti* 12Ph нинг турли озуқа муҳитларида ўстирилган экстрактларининг антибактериал фаоллиги

Бу натижалар экстрактлар бир хил фоиз миқдорида эканлигини ҳисобга олсак, Чапек-Докс озуқа муҳитида ўстириб олинган экстрактнинг таркибида антибактериал хусусиятга эга моддалар энг кўп миқдорда тўпланган. Иккиламчи метаболитларнинг максимал чиқими ва антибактериал фаолликнинг юқори эканлигини ҳисобга олиб кейинги тадқиқотларни Чапек-

Докс озуқа муҳитида олиб боришга қарор қилинди ва унинг таркибидаги углерод ва азот манбааларини *P.roqueforti* 12Ph штамми учун оптимизация қилишга киришилди. Бунда Чапек-Докс озуқа муҳити таркибидаги углерод манбаси сифатида сахароза, азот манбаси сифатида пептон ҳамда ачитқи экстрактининг комбинацияси қўлланилганда, биомасса (5,4г/100мл) ва иккиламчи метаболитлар (126 мг/г) ҳосил бўлиши максимал миқдорга етган. Бунда, биомасса ва иккиламчи метаболитлар ҳосил бўлиши ўртача 1.5 марта ва ундан ортиқ миқдорга кўтарилган. Иккиламчи метаболитларнинг антибактериал фаоллиги эса ўртача 30-32мм атрофида бўлган. Шундай қилиб, Чапек-Докс озуқа муҳитини, углерод манбаи сифатида сахароза, азот манбаи сифатида пептон ва ачитқи экстракти комбинацияси танлаб олинди.

Кейинги тадқиқотда *P.roqueforti* 12Ph штамми ўсиши, иккиламчи метаболитлар ҳосил қилиши ва антибактериал фаоллигига таъсирини ўрганиш учун эпигенетик модификатор сифатида 100 μ M кверцетин ва элиситор сифатида умумий ҳисобда 2%ли этанол суюқ озуқа муҳитларига қўшилди. Назорат сифатида фақат замбуруғ инокуляти экилган суюқ озуқа муҳити олинди. Намуналар 3-13 кунлар давомида ўстирилди. Олинган биомассалардан иккиламчи метаболитлар ажратилди ва 1мг/мл концентрацияда ДМСОда эритилди (5-расмга қаранг).



5-расм. *P.roqueforti* 12Ph штамми (а) биомасса ҳосил қилиши (б) иккиламчи метаболитлар ҳосил қилишига эпигенетик модификатор ва элиситорнинг таъсири

Олинган биомассаларнинг энг юқори миқдори этанолли ўстириш учун 9-кун (5.3 ± 0.34 г/100мл) бўлган бўлса, кверцетинли ўстириш (3.5 ± 0.23 г/100мл) ҳамда назорат (3.2 ± 0.22 г/100мл) учун 7-кун бўлганлиги олинган натижалардан аниқланган. Бироқ иккиламчи метаболитларнинг энг юқори миқдорлари биомассаларниқидан бир мунча фарқ қилади. Хусусан, этанолли (104.0 ± 0.98 мг/г) ва кверцетинли муҳитларда (96.0 ± 0.45 мг/г) метаболитларнинг энг кўп миқдори 13-кунда кузатилган бўлса, назоратда (109.0 ± 0.97 мг/г) энг кўп экстракт 11-кунда ажратилган.

Олинган иккиламчи метаболитлар экстрактидан 1мг/мл концентрацияли эритмалар тайёрланиб антибактериал фаолликлари ўрганилди (6-расмга қаранг). *P.roqueforti* 12Ph штаммининг антибактериал фаолликларига эпигенетик модификатор ва элиситорнинг таъсири сезиларли даражада бўлган. Хусусан, назоратда юқори антибактериал фаолликлар тест-патогенларга нисбатан асосан 9, 11-кунларда кузатилган бўлса (17-23 мм

атрофида), кверцетинли ва этанолли ўстиришда антибактериал фаоллик 13-кунда энг юқори даражасига чиққан (25-30 мм атрофида).



6-расм. *P.roqueforti* 12Ph штаммининг антибактериал фаоллигига эпигенетик модификатор ва элиситорнинг таъсири

Шу билан бирга айтиш мумкинки, эпигенетик модификатор ва элиситор таъсирида *P.roqueforti* 12Ph штаммининг антибактериал фаоллиги 30-40% га ошган.

P.roqueforti 12Ph штамми умумий экстрактининг МИКни ўрганиш мақсадида экстракт массаси аниқланганидан сўнг ДМСО да 800 мкг/мл, 600 мкг/мл, 400 мкг/мл, 200 мкг/мл, 100 мкг/мл, 50 мкг/мл, 25 мкг/мл ли эритмалар тайёрланди. Бу эритмаларнинг 5та шартли-патоген микроорганизмларга қарши антибактериал фаоллиги ўрганилди. Олинган натижалар шуни кўрсатдики, умумий экстрактининг МИК кўрсаткичи *E.coli* учун 100 мкг/мл ни, *Ps. aeruginosa* учун 400 мкг/мл ни, *S.aureus*, *B.subtilis*, *C.albicans* учун эса 25мкг/мл ни ташкил этади.

P.roqueforti 12Ph штамми умумий экстрактининг патогенлар *S.aureus*, *B.subtilis*, *C.albicans* га қарши МИК кўрсаткичи 25мкг/мл бўлиши унинг самарадорлиги юқори эканлигидан далолат беради.

Ўрганилаётган эндофит замбуруғнинг умумий экстрактининг патоген микроорганизмлар биоқатлам ҳосил қилишига ингибирловчи таъсирини ва ҳосил бўлган биоқатламга парчаловчи таъсирини ўрганишни мақсадида патоген микроорганизмлар сифатида *S.aureus*, *MRSA*, *C.albicans* лар олинди. *P.roqueforti* 12Ph штамми умумий экстрактининг МИКи қўлланилди (3-жадвал).

3-жадвал

P.roqueforti 12Ph нинг умумий экстрактининг патоген микроорганизмлар биоқатлам ҳосил қилишига ингибирловчи таъсири

| Патогенлар | Назорат муҳити (озуқа муҳити) зичлиги | (озуқа Δ(оптик | Экстракт Δ(оптик зичлиги) | Антибиотик Δ(оптик зичлиги) | Экстракт %и | Антибиотик (цефтриаксон/ флуконазол) | %и |
|--------------------|---------------------------------------|----------------|---------------------------|-----------------------------|-------------|--------------------------------------|----|
| <i>S. aureus</i> | 1.25 | | 0.25 | 0.113 | 80% | 90.9% | |
| <i>MRSA</i> | 0.57 | | 0.29 | 0.418 | 49% | 26.5% | |
| <i>C. albicans</i> | 1.26 | | 0.101 | 0.492 | 92% | 60.8% | |

Натижалардан айтиш мумкинки, *P.roqueforti* 12Ph нинг умумий экстракти юқори ингибирлаш фаоллигига эга. Хусусан, *S.aureus* нинг биоқатлам ҳосил қилишини цефтриаксон 90,9% ингибирлаган пайтда, умумий экстракт 80%га ингибирлаган. *MRSA* да эса экстрактнинг кўрсаткичи (49%) антибиотикниқидан деярли икки баробар юқори бўлди (26.5%). *C.albicans* да

экстрактимиз энг юкори натижани (92%) кўрсатган бўлса, бу пайтда флуконазол ўртача натижа (60,8%) намоён қилди.

Экстрактнинг ҳосил бўлган биоқатламга парчаловчи таъсирини ўрганиш учун 96 та чуқурчали плашкага экилган инокулятларга 24 соатлик инкубациядан сўнг намуналар ва назоратлар солинди ва яна 24 соат давомида инкубация қилинди. Инкубациядан сўнг олинган натижалар методда кўрсатилган формулага асосланган ҳолатда ҳисоблаб чиқилди (4-жадвалга қаранг).

4-жадвал

P.roqueforti 12Ph нинг умумий экстрактининг патоген микроорганизмлар ҳосил қилган биоқатламга парчаловчи таъсири

| Патогенлар | Назорат (озука мухити зичлиги) Δ(оптик) | Экстракт Δ(оптик зичлиги) | Антибиотик Δ(оптик зичлиги) | Экстракт %и | Антибиотик %и (цефтриаксон/ флуконазол) |
|--------------------|---|---------------------------|-----------------------------|-------------|---|
| <i>St. aureus</i> | 1.33 | 1.31 | 1.07 | 1.5% | 19.5% |
| <i>MRSA</i> | 1.47 | 1.29 | 1.41 | 12.2% | 4.08% |
| <i>C. albicans</i> | 1.7 | 1.521 | 1.27 | 10.5% | 25.3% |

Натижалар олдинги тажриба натижаларидан кескин фарқ қилади. *P.roqueforti* 12Ph нинг умумий экстрактининг патоген микроорганизмлар биоқатлам ҳосил қилишига ингибирловчи таъсири юкори бўлишига қарамай унинг ҳосил бўлган биоқатламга парчаловчи таъсири бир мунча паст. Масалан, *S.aureus* ҳамда *C.albicans* нинг биоқатламини деярли парчаламаган. Бироқ шуни таъкидлаш керакки, умумий экстрактининг *MRSA* биоқатламига парчаловчи таъсири 12.2% бўлган бўлиб, бу мусбат назорат цефтриаксон кўрсаткичидан (4.08%) 3 марта юкорирокдир. Шундай қилиб, *P.roqueforti* 12Ph штамми умумий экстракти патоген микроорганизмларининг биоқатлам ҳосил қилишига қарши профилактик ҳамда терапевтик препаратлар учун асос бўлиши мумкин.

5-жадвал

P.roqueforti 12Ph умумий экстрактининг дифференциал фракциялаш йўли билан олинган фракцияларнинг антибактериал фаоллиги

| Фракциялар | Ингибирлаш майдони, мм (чуқурчанинг диаметри 10мм) | | |
